

**Тимур Ишметовнинг Давлат бюджетининг 2020 йилнинг 1-ярим
йиллигидаги ижроси юзасидан Олий мажлис Қонунчилик палатаси ялпи
мажлисидаги маърузаси**

Ассалому алайкум!

Хурматли Нурдинжон Муйдинхонович,

Хурматли депутатлар, йиғилиш иштирокчилари,

Эътиборингизга Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йил I ярим йиллик ижроси якунлари бўйича маълумотларни тақдим этсак.

Сўзимнинг бошида, коронавирус пандемияси бошқа давлатларда бўлгани каби мамлакатимиздаги макроиктисодий ҳолатни мураккаблашишига, белгиланган молиявий ва иқтисодий мақсадларни қайта кўриб чиқишга олиб келганини айтиб ўтмоқчиман.

Сизларга маълумки, коронавирус пандемияси эълон қилинган пайтдан бошлаб биринчи галдаги устувор вазифа инфекциянинг кенг тарқалишини олдини олиш ҳамда инсонлар ҳаётини сақлаш деб белгиланди.

Барча ресурсларни, шу жумладан молиявий ресурсларни шу мақсадга йўналтириш қатъий тавсия этилди. Акс ҳолда, касалликни кенг тарқалиши ва бошқариб бўлмас ҳолга келиши, узоқ муддат давом этадиган иқтисодий таназулга олиб келиши мумкин эди.

Шунинг учун юртимизда коронавирус инфекцияси билан зарарланган дастлабки ҳолат аниқланганидан бошлаб, республика Ҳукумати томонидан барча зарурий чоралар кўрилди.

2020 йилнинг 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармонлари қабул қилинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва даромадларини кескин камайишини олдини олиш, иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **10 трлн.сўм** миқдордаги маблағга эга Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Умуман олганда, ушбу йўналишлар учун **15 дан ортиқ** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ушбу қабул қилинган фармон ва қарорларга мувофиқ коронавирусга ва иқтисодий инқирозга қарши курашиш учун жами кўрилган чораларнинг миқдори март-июнь ойининг ўзида **49,3 трлн. сўм**ни ташкил қилди.

Жумладан, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан **5,3 трлн. сўм**, берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 1,6 трлн. сўм, тижорат банклари томонидан тадбиркорларни қўллаб қувватлаш учун 15,7 трлн. сўм кредитлар ажратилди ҳамда 24,5 трлн.сўм миқдоридаги кредитларнинг муддати узайтирилди.

Ушбу кўрилган чоралар натижасида 2020 йилнинг 1 - ярим йиллигида **ялпи ички маҳсулотнинг кескин тушиб кетишининг олди олинди** ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш **0,2 фоиз**ни ташкил этди.

Бунда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаси **2,8 фоизга**, қурилиш соҳаси **7,3 фоизга** ўсган бўлса, саноат соҳасида ишлаб чиқариш **1,9 фоизга**, хизматлар ҳажми **0,7 фоизга** пасайди.

Ушбу даврда саноат тармоғида **қайта ишлаш саноатида 2,2 фоизга** ижобий ўсиш таъминланди, бунда асосан **тўқимачилик саноатида 7,7 фоизга**, **озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатида 4,2 фоизга**, **металлургия саноатида 3,8 фоизга** ўсиш кузатилди.

Қазии саноатида ишлаб чиқариш ҳажми эса 20,1 фоизга, шундан газ қазиб олиш (кўмир, лигнит ва нефть билан бирга) 23,5 фоизга қисқарди.

Хусусан, Карантин даврида етказиб бериш занжиридаги узиллишлар сабабли апрель ойида саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажми 26,9 фоизга, шундан қазиб олиш саноати – 33 фоизга, қайта ишлаш саноати – 28,9 фоизга қисқарди.

1-ярим йилликда хизматлар соҳасида **алоқа хизматларининг 15,1 фоизи** ва **молиявий хизматларининг 35,9** фоизга ўсиши кузатилган бўлса, **транспортда 9,1** фоизга, **яшаш ва овқатланиш хизматларининг 17,1 фоизга** пасайиши кузатилди.

Жорий этилган карантин чоралари ва чегараларининг ёпилиши натижасида жорий йил апрель ойининг ўзида пуллик хизматлар 37,5 фоизга, шундан, умум овқатланиш хизматлари – 66,6 фоизга, транспорт хизматлари – 55,8 фоизга қисқарди.

Авиа парвозлар, метрополитен, шаҳарлараро ва ички транспорт ҳаракатлари тўхтади. Жорий йилнинг май ойидан бошлаб карантин чоралари юмшатилиши ҳамда ўз вақтида инқирозга қарши иқтисодий тадбирларни амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт тармоқларида жонланиш кузатилди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида инфляция даражаси иқтисодиётда умумий талабнинг пасайиши натижасида прогноз (5,6-4,6 фоиз)га нисбатан паст

бўлди ва **4,6 фоизни** ташкил этди, 2019 йил 1-ярим йиллигида ушбу кўрсаткич 5,6 фоизни ташкил этган эди.

2020 йилнинг январь - июнь ойларида асосий капиталга инвестициялар ҳажми 84 трлн 800 млрд сўмни ёки Ялпи ички маҳсулотга нисбатан 33,2 фоизни ташкил этди.

Чегараларнинг ёпилиши ва глобал маҳсулот айрибошлаш занжирининг узилиши натижасида жорий йилнинг 1-ярим йиллигида мамлакатнинг **ташқи савдо айланмаси** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,2 фоизга (3,5 млрд. АҚШ долларга) камайди **ва 15,9 млрд АҚШ долларини ташкил этди.**

Бунда **экспорт ҳажми** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,6 *фоизга ёки 6,3 млрд АҚШ долларига* ва **импорт ҳажми** 15 фоизга ёки **9,6 млрд АҚШ долларига** камайди.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

2020 йил I ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари **58,2 трлн. сўмни** ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,5 трлн. сўмга** кўп маблағлар ундирилди.

Март ойининг учинчи декадасидан карантин бўйича қатъий чекловлар киритилиши айрим йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятининг тўхташи ёки фаоллигининг қисқариши туфайли ҳамда **берилган солиқ имтиёзларини ҳам инобатга олган ҳолда**, II чоракда **солиқ даромадлари** I чоракга нисбатан **-1,7 трлн. сўм** ёки **7 фоизга пасайди.**

Умуман олганда, **2020 йил 1 июль ҳолатига** солиқ тушумлари **45,9 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,8 трлн. сўмга (17,2 фоиз)** кўп маблағлар ундирилган.

Тушумларни асосий солиқлар кесимида қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, кўшилган қиймат солиғи бўйича жорий йил январь-июнь ойларида тушумлар **14,3 трлн. сўмни** ташкил этди ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 трлн. сўмга камайиб**, йиллик прогнозга (44,2 трлн. сўм) нисбатан эса **32 фоизни** ташкил этди.

Жорий йилнинг I ярим йиллигида кўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларнинг камайишига кўшилган қиймат солиғи ставкасининг 2019 йил 1 октябрдан **20 дан 15 фоизга камайтирилиши ва тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаоллигининг пасайиши** каби омиллар таъсир қилди.

Сотиб олинган асосий воситалар бўйича ҚҚС 12/36 ой давомида тенг улушларда эмас, балки бир йўла қопланмоқда.

2020 йил I ярим йиллигида солиқ тўловчиларга қоплаб берилган ҚҚС суммаси 1,6 трлн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3

баробардан кўпроққа ўсиб, корхоналар айланма маблағларининг қайтарилишини таъминлади.

2020 йил январь-июнь ойлари давомида **фойда солиғи** бўйича тушум **11,8 трлн.сўмни** ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,1 трлн. сўмга** кўпайди.

Тушумларнинг ўсиши: асосан биринчи ярим йилликда **қимматбаҳо металллар нархини ошиши** ҳисобига таъминланди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **фойда солиғи бўйича умумий тушумнинг 65 фоизи айнан тоғ-кон саноати корхоналари ҳиссасига тўғри келади;**

(олтиннинг нархи 2019 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан ўртача 26 фоизга ўсди).

Бундан ташқари фойда солиғининг базавий ставкасини **12 дан 15 фоизга** оширилиши (**+665,4 млрд. сўм**) тушумларнинг кўпайишига олиб келди.

Лекин, II чоракда фойда солиғи тушумлари, **тоғ-кон саноати корхоналари тушумини олиб ташланганда**, карантин чоралари туфайли I чоракка нисбатан 677 млрд. сўмга ёки **30 фоизга камайди.**

Жорий йилнинг I ярим йиллигида **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** бўйича тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,1 трлн. сўмга** кўп бўлиб, **7,3 трлн. сўмни** ташкил этди.

Бунга корхоналарда иш ҳақи фондининг ўсиши ва энг кам иш ҳақининг *жорий йил I ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18 фоизга* ошиши асосий омил бўлди.

Шу билан бирга, давлат улуши бор корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкасининг **25 фоиздан 12 фоизга камайтирилиши** ҳам ходимлар иш ҳақини оширишга имкон берди.

Бироқ пандемия туфайли жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича II чоракдаги тушумлар I чоракка нисбатан 21 млрд. сўмга камайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, хусусий секторда иқтисодий фаолликнинг сусайиши ва бу билан боғлиқ солиқ солинадиган иш ҳақи фондининг камайиши, жорий йилнинг **II чорагида** жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумнинг прогнозга нисбатан **500 млрд. сўмдан** кўпроққа камайишига олиб келди.

Карантин вақтида ўз фаолиятини тўхтатган **95 144 та** яқка тартибдаги тадбиркорларга **155,3 млрд.сўм** қатъий солиқлар ҳисобланмади.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида **Айланмадан олинадиган солиқ** бўйича тушумлар **630 млрд. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **307 млрд.сўмга**, қуйидаги сабабларга кўра, камайди:

биринчидан, тўловчиларнинг бир қисми, йил якунлари бўйича айланма суммаси **1 млрд. сўмдан** ошганлиги учун умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтганлиги;

иккинчидан, пандемия натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,8 фоизга, хизматлар ҳажми 2,3 фоизга, чакана савдо айланмаси 2,9 фоизга камайди.

*Шу билан бирга жорий йилнинг 2-чорагида пандемия таъсирида **2139 та кичик тадбиркорлик** субъектлари ўз фаолиятларини вақтинча **тўхтатган**, бунда **савдода 871 та**, **саноатда 571 та**, **озиқ-овқат хизматида 191 та** ва бошқалар соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатган.*

*Шунингдек, ноозиқ-овқат бозорлари, мобил дўконлари фаолияти вақтинчалик тўхталиши натижасида, иккинчи чоракда **уюлмаган савдонинг** чакана савдо айланмаси таркибидаги улуши биринчи чоракдаги **8,4 фоиздан 3,7 фоизга** тушиб, биринчи чоракка нисбатан **2 мартага камайган**.*

2020 йилнинг I ярим йиллигида **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ** тушумлари, 2019 йилнинг I ярим йилликдаги тушумлар билан солиштирганда, **0,8 трлн.сўмга** кўпайган ҳолда **7,6 трлн.сўмни** ташкил этди.

Жаҳон бозорида олтин нархининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши натижасида тоғ-кон корхоналаридан кўшимча тушумлари **1 трлн. сўмни** ташкил қилди.

Жорий йилнинг I ярим йиллигида **мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** бўйича тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,3 трлн. сўмга камайди** ва **2,1 трлн. сўмни** ташкил этди.

Жорий йилнинг I ярим йиллигида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тушумлари **264,9 млрд.сўмга**, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумлари 36,9 млрд.сўмга ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари **3,3 млрд.сўмга камайди**.

Ушбу камайишнинг асосий сабаби коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан тадбиркорлик субъектларига қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилишидир.

Хусусан, коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида:

20 273 та бўш объект мулкдорларига нисбатан оширилган ставкада **1079,4 млрд.сўм** мол-мулк ва ер солиғи ҳисобланмади.

2020 йилнинг 1 апрелидан 31 декабрига қадар 1764 та туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари)

кўрсатувчи субъектларига мол-мулк ва ер солиғидан **69,1 млрд. сўм** миқдорида имтиёз берилди.

17 247 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 2020 йил апрель ва май ойлари учун мол-мулк солиғи ва ер солиғидан умумий ҳисобда **29,5 млрд. сўмлик** қарзлари, жумладан **мол-мулк солиғидан 11,6 млрд.сўм** ва **ер солиғидан 17,9 млрд.сўм** кечиб юборилди.

4490 та муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд тадбиркорларга нисбатан **1 781,5 млрд.сўм** жарималар қўлланилмади.

Якка тартибдаги тадбиркорларга 1 октябргача ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилиши натижасида **247 286 та** тадбиркорлар ихтиёрида **155,3 млрд.сўм** қолдирилди;

Май-июнь ойлари ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача пасайтирилиши натижасида **232 075 та** кичик тадбиркорлик субъектларига **220,7 млрд.сўм** маблағлар ўз ихтиёрларида қолди.

Давлат божхона қўмитаси бўйича биринчи ярим йилликдаги давлат бюджетига тушумлар 9,9 трлн.сўмни ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичларига нисбатан 345 млрд.сўм (103,6 фоиз) га ортиғи билан бажарилди.

Импортёрлар учун божхона божи ҳамда акциз солиғи бўйича 63 млрд.сўм ва қўшилган қиймат солиғи бўйича 811 млрд.сўм миқдордаги солиқ тўловлари кечиктириб берилди.

Ҳурматли депутатлар!

Хабарингиз бор, жорий йил учун Давлат бюджети харажатлари **131,1 трлн. сўм** миқдорида, шундан республика бюджети харажатлари **95,7 трлн. сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар харажатлари **35,4 трлн. сўм** миқдорида тасдиқланган эди.

Бироқ, Коронавирус пандемиясининг тарқалиши, карантин чораларининг қўлланилиши ва баҳор мавсумида юз берган табиий офат ва техноген авариялар Давлат бюджети харажатларига жиддий ўзгартиришлар киритишни талаб этди.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида **10 трлн. сўм** миқдорида **“Инқирозга қарши курашиш жамғармаси”** ташкил этилди;

Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида тегишли Ҳукумат (ПКМ 232) қарорига мувофиқ Давлат бюджети харажатлари 6,1 трлн. сўмга мақбуллаштирилди;

2020 йилнинг 27-28 апрель кунлари кучли шамол таъсирида Бухоро вилоятида зарар кўрган аҳоли ва иқтисодий-инфратузилма объектларига **164 млрд. сўм**;

“Сардоба сув омбори” тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатида жабрланган аҳолини қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани тиклаш харажатларига жами **1,5 трлн. сўм** қўшимча маблағ ажратиш белгиланди, шундан 1–ярим йилликда **500 млрд. сўм** йўналтирилди.

Юқоридаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, Давлат бюджетининг 2020 йил 1 - ярим йиллик харажатлари **64 трлн. 879 млрд. сўм**ни ёки ЯИМ га нисбатан **25,4 фоизни** ташкил этди.

Ҳисобот даврида бюджетдан **28 трлн 100 млрд. сўм**лик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз муддатларида тўлиқ молиялаштирилиши таъминланди ва бу жами ярим йиллик харажатларнинг **48,4** фоизини ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа харажатлари учун Давлат бюджетидан **34 трлн. 666 млрд сўм** ёки умумий харажатларнинг **53,4** фоизи сарфланди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган харажатларнинг **1 трлн. 224 млрд сўм**и инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Маориф соҳасини сақлаш ва уни ривожлантириш харажатларига **16 трлн. 401 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Хусусан мактабгача таълим муассасаларига – 2,3 трлн. сўм; умумтаълим мактабларига – 12,6 трлн. сўм; кадрлар тайёрлаш харажатларига – 1,5 трлн.сўм йўналтирилди.

2020 йил 1-ярим йиллигида соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари **8 трлн. 72 млрд. сўм**ни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **22 фоизга** ўсди.

Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш муассасаларини дори-дармон билан таъминлаш харажатларига қарийб **1 трлн. сўм** молиялаштирилди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш муассасаларини:

*- озиқ-овқат харажатларига **169,5 млрд. сўм**;*

*- болаларни 13 турдаги юқумли касалликларга қарши эмлаш бўйича вакцина харажатлари учун **129 млрд. сўм** маблағ ажратилди.*

Таъкидлаш жоизки, бюджет параметрларида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича тасдиқланган Давлат дастурларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилда ажратилган 726 млрд.сўм маблағларнинг 176,7 млрд. сўми ёки 24,7 фоизи харажат қилинди.

Жумладан:

- оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш давлат дастури бўйича талассимея касаллигига чалинган беморлар учун дори воситаларига 1,1 млрд. сўм;

- қандли диабет билан касалланган беморлар учун аналогли инсулинлар ва одам инсулини марказлаштирилган тарзда таъминлаш учун 19,7 млрд. сўм;
- кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга дори воситалари учун 3,7 млрд. сўм;
- буйрак ва жигар трансплантацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари учун 13,8 млрд. сўм;
- вакциналар сотиб олиш учун 129,2 млрд. сўм;
- тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари қўшилган қиймат солиғи учун 9,2 млрд. сўм сарфланди.

Дастурлар учун ажратилган маблағларнинг асосий қисми сарфланмаганлигини бугунги кунда, бутун дунёда қолаверса юртимизда коронавирус пандемияси бўйича юзага келган эпидемиологик ҳолат сабабли барча кучлар эпидемияни олдини олишга қаратилгани билан изоҳлаш мумкин.

Энди коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирларига Инқирозга қарши жамғармадан ажратилган маблағларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ушбу соҳада амалга оширилган харажатларнинг **724 млрд.** сўми Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳиссасига тўғри келди. Шундан:

- “Коронавирус” тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларга жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимларнинг **72 001 нафарига 241,3 млрд.** сўм қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланди.

Ушбу тўловлардан:

- ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар учун жами 56 985 нафар ходимга 85,2 млрд. сўм, шундан 14 873 нафар врачга – 33,1 млрд.сўм;

- 14 кунлик фаолият даври учун махсус қўшимча рағбатлантириш тўловлари бўйича жами 6 477 нафар ходимга 142,5 млрд. сўм, шундан 1 960 нафар врачга (ҳар бирига 25 млн.сўмдан) – 70,0 млрд. сўм;

- беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юқтириб олган 2 нафар тиббиёт ходимига бир марталик тўлов бўйича 283 млн. сўм тўлаб берилди.

Бундан ташқари, даволаш муассасалари ва карантин зоналарида фуқароларни ва уларга хизмат кўрсатувчи шахсларни сақлаш харажатлари, шахсий ҳимоя ва дезинфекция воситалари, тест диагностикаумлари, дори воситалари ва тиббий техника воситалари, транспорт воситаларини харид қилиш, жамоат жойларини дезинфекция қилиш ва бошқа тадбирлар учун учун жами **357,4 млрд.** сўм ажратилди.

Жумладан:

уч маҳал иссиқ-овқат учун - 73,0 млрд. сўм;

дори-дармон ва зарарсизлантирувчи воситалар учун – 44,7 млрд. сўм;

тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун – 79,0 млрд. сўм;

тест тизимлар, чойшаблар ва бир марталик ҳимояловчи кийимлар ва бошқа зарур анжомлар учун – 131,1 млрд. сўм;

транспорт воситаларини сотиб олиш учун – 12,2 млрд. сўм;

жамоат жойларини дезинфекция қилиш ва бошқа тадбирлар учун 17,5 млрд.сўм сафарбар этилди.

Карантин зоналарини қуриш ва коронавирусни даволаш билан боғлиқ соғлиқни сақлаш объектларини қуриш, жиҳозлаш ва зарур инфратузилмани яратиш билан боғлиқ харажатлар учун Инқирозга қарши кураш жамғармасидан **599 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

Жумладан,

- Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ туманидаги (20 минг ўринли) карантинда сақлаш мажмуаси учун **234,3 млрд.сўм;**

- Тошкент вилояти Зангиота туманидаги (10 минг ўринли) махсус шифохона қурилиши учун **286,2 млрд.сўм;**

- Тошкент шаҳрида замонавий диагностика лабораторияси комплексини реконструкция қилиш учун **10 млрд.сўм;**

- Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ҳамда Сурхандарё вилоятларидаги ташкил этиладиган махсус шифохоналар ҳамда вақтинчалик карантинда сақлаш мажмуаларининг қурилиши ва жиҳозлаши учун **66,1 млрд.сўм;**

- Эпидемиология ва микробиология юқумли касалликлар илмий текшириш институтини реконструкция қилиш учун **2,5 млрд.сўм** йўналтирилди.

Ҳисобот даврида **Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва аҳоли бандлик даражасини оширишга** Давлат бюджетидан ҳисобот даврида **3 трлн. 727 млрд. сўмни** ёки ўтган йилнинг мос даврида ажратилган маблағларга нисбатан **847,1 млрд. сўмга** ёки **29,4 фоизга кўпроқ** маблағ ажратилди.

Кам таъминлаган оилаларни коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонларига мувофиқ:

ижтимоий нафақа олувчилар сони 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга, 1 июндан яна 10 фоизга оширилди;

март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган ижтимоий нафақалар ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга узайтирилди;

бунинг натижасида, март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган 258 минг нафар кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш муддатлари автоматик тарзда ҳеч қандай ҳужжатларсиз қўшимча олти ойга узайтирилди;

ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиб-таомиллари соддалаштирилди.

Жорий йилнинг март ойида 569 минг оилага ижтимоий нафақа тўловлари тўланган бўлса, юқорида келтирилган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида яна қўшимча 405 минг нафар оилага ижтимоий нафақа тўланди.

Бунинг учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 2020 йилнинг январь-июнь ойларида жами 311 млрд сўм маблағ ажратилди.

Жами ажратилган маблағлар ҳисобидан:

14 ёшгача боласи бор оилаларга тўланадиган нафақага **425** млрд. сўм (*шундан, инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 106 млрд. сўм*);

боласи 2 ёшга тўлгунга қадар ишламайдиган оналарга тўланадиган нафақага **728** млрд. сўм (*127 млрд. сўм*);

кам даромадли оилаларга тўланадиган моддий ёрдам учун **148** млрд. сўм (*35 млрд. сўм*) харажатлар амалга оширилди.

Бундан ташқари аҳоли бандлик даражасини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Жумладан:

- аҳолининг ишсиз ва банд бўлмаган қатламини вақтинчалик ишларга жалб қилиш учун Жамоат ишлари жамғармасига 324,0 млрд. сўм, шундан, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 200 млрд. сўм ажратилди;

- Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига 125 млрд. сўм, шундан, инқирозга қарши курашиш жамғармасидан маблағлари ҳисобидан ишсиз, кам таъминланган оилаларга шахсий томорқаларини ривожлантириш орқали турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш учун 50 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, Касаба уюшмалари Федерациясига хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **60** млрд. сўм ажратилди.

Ҳисобот даврида **илм-фанни ривожлантиришга** Давлат бюджетидан **320** млрд. сўм маблағ ажратилди.

Маданият ва спорт соҳасига йўналтирилган маблағлар миқдори қарийб 1 трлн. сўмни ташкил этди.

Тарихий-маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш ишларига жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **18,6 млрд. сўм** маблағ ажратилди ва 32 та маданий мерос объектларида реставрация тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

(Маълумот учун: 2020 йилда 85 та маданий мерос объектларини реставрация тиклаш ишлари учун республика бюджетидан 66,8 млрд.сўм маблағ режалаштирилган).

Ҳурматли мажлис қатнашчилари !

Ҳисобот даврида **иқтисодиёт харажатларига** Давлат бюджетидан **9 трлн 2 млрд. сўм** маблағ сарфланди. Ажратилган маблағлардан, **2 трлн. 927 млрд. сўм** - сув хўжалиги эксплуатацияси харажатларига, **1 трлн. 120 млрд. сўм** - аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларига, **359 млрд. сўм** - уй-жой коммунал ишларига; **130 млрд. сўм** - суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланди.

Бундан ташқари, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ривожлантиришга ҳисобот даврида **1 трлн. 847 млрд. сўм** харажат қилинди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига 2020 йилнинг 1-ярим йиллиги учун ажратилган **654 млрд. сўмдан 220 млрд. сўми сарфланмаган.**

2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида бевосита экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун давлат бюджетидан қарийб **151 млрд. сўм** йўналтирилди.

Жумладан:

- атмосфера ҳавоси муҳофазаси бўйича тадбирларга 9 млрд. сўм;*
- сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларига 7,2 млрд. сўм;*
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига (жумладан қўриқхоналар, табиий ва миллий боғлар, ўрмонларни сақлашга) 85,3 млрд. сўм;*
- Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган экологик тадбирларга 22,7 млрд. сўм;*
- ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлашга ва рекултивация ишларига 7,8 млрд. сўм;*
- чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш ишларини такомиллаштириш мақсадида санитар тозалаш корхоналари учун махсус*

техника сотиб олиши ва чиқинди полигонларини тартибга келтириши тадбирларига 15,7 млрд. сўм;

- бошқа атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирларга 2,5 млрд. сўм молиялаштириб берилди.

Шунингдек, карантин чекловлари даврида санитар тозалаш корхоналарининг иши ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари бўйича ходимлари олдидаги қарздорликларини қоплашга Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 53 млрд. сўм фойсиз бюджет ссудаси ажратилди.

Бундан ташқари, экологик вазиятни яхшилаш билан боғлиқ инвестиция харажатларидан ичимлик ва оқава сув тозалаш тизимларини ривожлантиришга 592 млрд. сўм, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига 130 млрд. сўм, жами инвестиция харажатларидан 867 млрд. сўм ҳам ажратилган.

Шунингдек, пандемия ва глобал иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиёт кўллаб-қувватлаш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси орқали **2 трлн.** сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Жумладан:

*- “Тошкент метрополитени” ва “Тошшаҳартрансхизмат” корхоналарининг ишчи-ходимларига иш ҳақи тўловларини амалга оширишлари учун **24 млрд.** сўм;*

*- “Ўзавтотранссервис” ва “Тошшаҳартрансхизмат” томонидан кўрсатилган хизматлар (фуқароларни карантин зоналарига, карантин зоналаридан уйларига олиб бориш) учун **9 млрд.** сўм;*

*“Ўзтемирйўловчи” АЖ нинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун – **54 млрд.** сўм;*

*- “Иссиқлик электр станциялари” АЖ корхоналарига - **500 млрд.** сўм;*

*- “Худудий электр тармоқлари” АЖга - **250 млрд.** сўм;*

*- “Ўзбекнефтгаз” АЖга - **401 млрд.** сўм;*

*- “Uzbekistan Airways” АЖга - **406 млрд.** сўм;*

*- Uzbekistan Airports АЖга - **101 млрд.** сўм;*

*- “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖнинг биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун - **40 млрд.** сўм;*

*- “Худудий сув таъминоти” МЧЖга - **61 млрд.** сўм;*

*- Давлат экология қўмитасига - **53 млрд.** сўм маблағ ажратилди.*

Шунингдек, пандемия шароитида халқаро авиақатновлар тўхтатилиши, чегараларнинг вақтинча ёпилиши ҳисобига энг катта зарар кўрган соҳалардан бири

туризмни соҳасини рағбатлантириш учун Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳам - **20 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Хурматли депутатлар !

Хисобот даврида инвестицияларни молиялаштириш харажатларига Давлат бюджети жами харажатларининг 9,2 фоизи ёки **5 трлн 979 млрд сўм** миқдорда маблағ сарфланди.

Шундан:

беvosита давлат бюджетидан **Инвестиция дастурига киритилган** 1 834 та объектларни қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари учун **4,1 трлн.сўм** маблағлар молиялаштириб берилган бўлиб, ўзлаштириш йиллик параметрга нисбатан **35 фоизини** ташкил этди.

Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари учун жами **3, 8 трлн.сўм** режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига **1,1 трлн. сўм** ёки жами маблағларнинг **28 фоизи** ўзлаштирилди.

*Маълумот учун: 2019 йилнинг 1 ярим йиллигида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи йиллик параметрларга нисбатан **52 фоизни** ташкил қилган.*

Инвестиция дастурининг ҳисобот даврида ижросини вазирлик ва идоралар кесимида таҳлил қилинганда, бюджетдан маблағлар тўлиқ ажратилганлигига қарамасдан, **айрим вазирлик ва идоралар томонидан** ушбу маблағларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи пастлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, **Ўзбекистон Фанлар академияси** йиллик кўрсаткичнинг **4** фоизи (33,3 млрд.сўмдан 1,2 млрд.сўм), **Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги** томонидан **5** фоизи, **Маданият вазирлиги** томонидан **8** фоизи, **Мактабгача таълим вазирлиги** **10** фоизи, **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси** **15** фоиз (17,9 млрд.сўмдан 2,7 млрд.сўм ишлатилган) ўзлаштирилган холос.

Мисол учун, Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги 332 та мактабгача таълим муассасалари учун 1 348,7 млрд.сўм ажратилган бўлиб, жорий йилнинг 1 июлига қадар 256 та мактабгача таълим муассасасини қуриш-таъмирлаш ишларини бошлаш учун 139,2 млрд.сўм молиялаштирилган ва қолган 76 та объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлмагани учун молиялаштириш очилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига 47 та спорт комплекслар ва спорт таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун 308,6 млрд.сўм ажратиб берилган бўлса-да, ҳисобот даврига қадар 17 та спорт объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун бор йўғи 16,6 млрд.сўм ёки белгиланган режанинг 5 фоизи ўзлаштирилган холос. Қолган 165,5 млрд.сўмлик 30 спорт объектлари бўйича ҳисобот даврига қадар молиялаштириш очилмаган.

Худди шундай ҳолатларни Маданият вазирлиги тасарруфидаги объектларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, 10 та маданият ва санъат муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун режалаштирилган 62,3 млрд.сўм маблағлардан 6 таси учун бор йўғи 5,0 млрд.сўм молиялаштирилган ёки йиллик кўрсаткичнинг ўзлаштирилиши атиги 8 фоизни ташкил қилмоқда. Қолган 4 та маданият ва санъат муассасалари молиялаштириш бошланмаган.

Инвестиция дастури доирасида Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг бундай паст даражада ўзлаштирилиши сабаби шуки, объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер (танлов) савдоларини ўтказиш жараёни ўз вақтида ўтказилмаслиги ва чўзиб юборилганлиги, пандемия туфайли қурилиш ишларининг секинлашиши билан боғлиқ.

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларнинг ўзлаштирилиши бўйича вазирлик ва идоралар кесимида қуйидагича:

Сув хўжалиги вазирлигига назарда тутилган 400,0 млрд.сўм маблағлар ҳисобидан:

173 та ирригация объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун 316,8 млрд.сўм ажратилган бўлса, 111,4 млрд.сўм ёки белгиланган режанинг 35 фоизи молиялаштириб берилди;

31 та мелиоратив объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун 73,2 млрд.сўм ажратиб берилган бўлса-да, ҳисобот даврига қадар бор йўғи 7 та объектларга 1,4 млрд.сўмга молиялаштириш очилган ёки белгиланган режанинг 2 фоизи ўзлаштирилди холос. Қолган 41,2 млрд.сўмлик 23 та объектлар бўйича молиялаштириш очилмаган.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига 1 792 та объектлар учун ажратилган 1 трлн. сўм маблағларнинг атиги 19 фоизи ёки 720 та объектлар бўйича бор йўғи 185 млрд.сўми ўзлаштирилди;

Алоҳида таъкидлаш керакки, Мактабгача таълим вазирлигига ажратилган 55 та мактабгача таълим муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари учун ажратилган 200 млрд.сўм маблағлар ҳисобот даврига қадар умуман ўзлаштирилмади.

Халқ таълими вазирлига 163 та умумтаълим мактабларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун ажратилган 600,0 млрд.сўм маблағлардан ҳисобот даврига қадар 106 та объектлар учун бор йўғи 51,8 млрд.сўм ёки белгиланган режанинг 9 фоизи ўзлаштирилди холос. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 52 та умумтаълим муассасалари бўйича тендер савдолари яқунланмаган ва молиялаштириш очилмаган.

Олий таълим вазирлигига 5 та объектларни қуриш-таъмирлаш ишлари учун 40 млрд.сўм ажратиб бериш назарда тутилган бўлсада, ҳисобот даврига қадар маблағлар умуман ўзлаштирилмади.

2020 йилнинг 1-ярим йиллигида Давлат бюджетидан ичимлик ва оқава сув тармоқлари ҳамда сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 592 млрд. сўм маблағ ёки йиллик режанинг 49 фоизи молиялаштирилди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга кейинги йилларда жуда катта эътибор қаратилиб, давлат бюджети ва халқаро молиявий институтларнинг кредитлари ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг ҳажми кескин оширилди.

Сўнги 10 йилда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини яхшилашга бюджетдан 5,6 триллион сўм ажратилган бўлиб, шундан охириги 2 йилдаги маблағлар 3,6 триллион сўмни (ёки 63 фоиз) ташкил этади.

Давлат раҳбарининг топириқларига биноан Фарғона, Наманган, Бухоро ва Андижон вилоятлари шаҳар ва туманларига чиққан ҳолда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларининг аҳволи, уларни қуриш ва реконструкцияси қилиш ишларига ажратилаётган бюджет маблағларининг самарадорлиги ўрганилганда бюджет маблағларини сарфланишида жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди, ҳусусан:

1. Инвестиция дастурларининг амалга оширилишида тизимли муаммолар мавжуд

1. Ўтказилган ўрганишлар давомида лойиҳа смета хужжатларининг камчиликлар билан ишлаб чиқилганлиги, лойиҳа қийматини сунъий равишда ошириш, қуриш-монтаж ишларининг охирига етказилмасдан қолиб кетганлиги, элементар тарзда электр таъминотига уланмасдан чала қолдирилганлиги аниқланди.

Лойиҳа хужжатларида лойиҳа фаолиятига тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган қўшимча қувватларни киритиш (қўшимча бино ва иншоотлар) ёки аксинча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларининг тўлиқ инобатга олинмаслик каби камчиликлар мавжуд.

Масалан, Наманган вилоятида ташкил этилган ЭИЗ ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимлари билан таъминлаш лойиҳаси дастлаб 135 млрд. сўмга ҳисоб-китоб қилинган бўлса, лойиҳа-смета ҳужжатлари ўрганилганда ЭИЗ учун зарур бўлмаган объектларни лойиҳадан чиқарилиши оқибатида мазкур объектнинг қиймати 32 млрд. сўмни ташкил этган.

2. Кейинги пайтда кўлами жиҳатидан ва қиймати йирик бўлган лойиҳаларни Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширишга интилиш кучаймоқда. Сабаби, бюджет маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳа қийматини ошириш, пудратчи ташкилотларни эркин танлаш, Инвестиция дастурларида ажратилган маблағларни бюджетга қайтармаслик каби имкониятлар мавжуд. ХМИ ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларда чет эллик назоратчилар иштирок этиши сабабли, бу каби эркинликлар чекланган, қолаверса жалб қилинган кредитларни келажакда қайтариш шарти ҳам мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040 – сонли ва 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300 қарорлари билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Қарши шаҳарларида сув таъминоти ва канализация тизимларини давлат хусусий шерикчилик шартлари асосида бошқарувга бериш топшириғи берилган.

Шунга қарамасдан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Наманган шаҳар канализация тизимларини яхшилаш ишлари учун бюджетдан 187 млрд. сўм маблағ ажратиш талаб этилмоқда.

II. Ичимлик суви таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилаётган омиллар:

- истеъмолчиларнинг тўлиқ хатловдан ўтказилмаганлиги ҳамда ишончли абонентлар базасининг тўлақонли шакллантирилмаганлиги; (республика сув таъминоти корхоналари томонидан марказлашган ичимлик сув таъминоти билан қамраб олинган аҳолининг атиги 67 % қисми абонентлар базасига киритилган;

- сув ишлаб чиқариш иншоотлари тўлиқ сув ўлчов приборлари ва электр энергияси ўлчов приборлари билан жиҳозланмаганлиги сабабли, бугунги кунда республика бўйича жами ишлаб чиқарилган ичимлик суви ва ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергия хажмларининг аниқ ҳисоб-китоби йўқ;

- сув иншоотларида ўрнатилган насос ускуналарининг тўлиқ ўз хизмат муддатларини ўтаб бўлганлиги ва/ёки носоз аҳволга келиб қолганлиги, бу ҳолат ўз навбатида, электр-энергия сарфининг кескин ошишига, иншоотларнинг тўлиқ қувват билан ишламаслигига ҳамда аҳолига ичимлик суви паст босимларда ёки умуман етказилмаслигига олиб келмоқда.

Юқорида кўрсатилган тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида, бугунги кунда, Молия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Ичимлик ва оқава сув таъминоти тизимларини янада такомиллаштириш ҳамда соҳада инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Хурматли Депутатлар!

Республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига 2020 йил 1 - ярим йилликда **50 трлн. 76 млрд.** сўм маблағ ажратилиб, амалга оширилган харажатлар эса **44 трлн. 676 млрд.** сўмга ёки аниқланган режага нисбатан 89,0 фоизга бажарилди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг жорий харажатлари **36 трлн. 714 млрд.** сўмга ижро этилди бу эса харажатларнинг 82 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар харажатлари **4 трлн 102 млрд** сўмга бажарилди ёки аниқланган режага нисбатан **1 трлн 580 млрд** сўмга кам ижро этилди.

Мисол учун,

Халқ таълими вазирлигининг тасдиқланган бюджетига қўшимча киритилган ўзгаришлари билан 2020 йил 1-ярим йиллик аниқлаштирилган режаси **12 трлн. 326 млрд.** сўмни ташкил этди ҳамда ушбу харажатларнинг **11 трлн. 496 млрд.** сўми ўзлаштирилиб, режага нисбатан 93 фоизга ижро этилди.

Вазирликнинг ўзлаштирилмаган маблағлари 84 фоизи жорий харажатлари учун режалаштирилган маблағлари қолган қисми капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тасдиқланган бюджетига қўшимча киритилган ўзгаришлари билан 2020 йил 1 - ярим йиллик аниқлаштирилган режаси **2 трлн. 630 млрд.** сўмни ташкил этди ҳамда ушбу харажатларнинг **2 трлн. 44 млрд** сўми ўзлаштирилиб, режага нисбатан **586 млрд** сўмга кам ёки 78 фоиз маблағлар ўзлаштирилди.

Асосий ўзлаштирилмаган маблағлар сифатида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

- **42 млрд.** сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган;
- **129 млрд.** сўм капитал қўйилмалар;

- **414 млрд.** сўм бошқа харажатлар учун ажратилган маблағлар ҳисобига шаклланган.

Ҳурматли депутатлар!

Ҳисобот даврида **маҳаллий бюджетларнинг даромадлар** қисми прогнозга нисбатан **125,6 фоизга** бажарилди ёки **12,9 трлн. сўмни**, **харажатлар** қисми эса режага нисбатан **92,8 фоизга** ижро этилиб, **20,2 триллион сўмни** ташкил этди.

Натижада, маҳаллий бюджетларда 1-ярим йиллик ижроси якунлари билан қўшимча **1 439 млрд.** сўм ихтиёрида манба шакллантирилди.

Айрим солиқ турларининг республика бюджетига ажратмалари ҳисобига **136,5 млрд.** сўм маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилиши таъминланди.

Республика бюджетидан вилоятлар маҳаллий бюджетларига 1-ярим йилликда **3 053 млрд.сўм тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар** ўтказиб берилди.

Шунингдек, пандемия шароитида маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўз муддатида тушмаганлиги натижасида юзага келган вақтинчалик касса узилишига ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларга Республика бюджетидан **626 млрд.сўм** бюджет ссудалари ажратилди.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Энди яна бир муҳим кўрсаткич, Давлат қарзи бўйича маълумотларга эътиборингизни қаратсам.

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига **Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган қарз маблағлари** қолдиғи **19,6 млрд. АҚШ доллари** эквивалентини ташкил этди.

Хусусан, *давлат ташқи қарзи* 1,7 млрд. АҚШ долларига ёки 2020 йил бошига нисбатан 10,9 фоизга ошиб, 1 июль ҳолатига **17,3 млрд. АҚШ доллари**га етди.

Давлат ички қарзи эса 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 0,3 млрд. АҚШ долларига ошиб, **2,3 млрд. АҚШ доллари**ни ташкил этди.

Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молиялаштириш учун жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **1 075 млн. АҚШ долларига** тенг маблағлар жалб қилинди.

Жаҳон банки томонидан Ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси (2-транш) юзасидан қўшимча молиялаштириш сифатида 200 млн. АҚШ доллари миқдорига имтиёзли кредит 30 йил муддатга (шундан, 5 йил имтиёзли давр)

1,7 фоиз ўзгарувчан ставкада (6 ойлик либор + 0,89 фоиз ўзгарувчан спрэд) ажратилди.

Мазкур кредитнинг фоиз тўловлари йилда икки марта (15 июнь ва 15 декабрь) амалга оширилиб, жорий йилда 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Асосий қарз тўловлари имтиёзли давр тугагандан кейин 2025 йилдан кредитнинг асосий қисмини сўндириши бошланади ҳамда ҳар йили 8,0 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан республика иқтисодиётига коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш мақсадида 375 млн. АҚШ доллари эквивалентида кредит маблағлари ажратилди.

Имтиёзли кредитлар ўз ичига 10 йил муддатга (шундан, 5 йил имтиёзли давр) 125 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг фоизсиз тезкор кредитлаш линияси ва 5 йил муддатга (шундан, 3 йил имтиёзли давр) 250 млн. АҚШ доллари эквиваленти 1,05 фоиз ўзгарувчан ставкадаги тезкор молиялаштириши инструментини олади.

10 йиллик кредит бўйича фоиз тўловлари амалга оширилмайди. Асосий қарз тўловлари йилда икки марта имтиёзли давр тугагандан кейин, 2025 йилдан сўндириши бошланади ҳамда йиллик 18,4 млн. SDR ёки 25,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Осиё тараққиёт банки томонидан 500 млн. АҚШ доллари миқдоридagi бюджетни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит 15 йилга (шундан, 3 йил имтиёзли) ўзгарувчан ставкада (6 ойлик либор + 0,5 фоиз) ажратилди. Бугунги кунда жами ўртача йиллик фоиз ставкаси - 0,9 фоиз ташкил этмоқда.

Ушбу кредитнинг фоиз тўловлари йилда икки марта (15 апрель ва 15 октябрь) амалга оширилиб, жорий йилда 1,2 млн. АҚШ долларини (2020 йилда тўлов бир марта бўлиши ҳисобига) ташкил этиши кутилмоқда.

Асосий қарз тўловлари имтиёзли давр тугагандан кейин, 2023 йилдан бошланади ҳамда ҳар йили 41,7 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб **консолидациялашган бюджет таркибига** киритилган 18 та Давлат мақсадли жамғармаларининг жами даромадлари **15 трлн. 692 млрд. сўмни**, харажатлари эса **16 трлн 988 млрд. сўмни** ташкил этди.

Шундан, 2020 йил 1 - ярим йиллигида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармасининг** даромадлари - 10,9 трлн.сўм бўлди, белгиланган йиллик прогнознинг – 46,3 фоизни ташкил қилди. Даромадлар ўтган

йилнинг мос даврига нисбатан - 1,6 трлн.сўмга ёки 13 фоизга камайган. Бу камайишнинг асосий сабаблари бўлиб давлат корхоналари учун ижтимоий солиқ ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизгача камайтирилганлиги ва карантин чекловлари шароитида иш ҳақи фондининг камайиб кетиши ҳисобланади.

Пенсия жамғармасининг харажатлари 15 трлн. 233 млрд. сўмни ташкил этди ва республика бюджетидан 3,2 трлн. сўм трансферт ажратилди.

Бу эса ҳисобот даврида **3,7 миллион** нафардан ортиқ фуқарога пенсия ва нафақа тўловларини ўз вақтида молиялаштирилиши ҳамда тўланишини таъминлади.

Шу билан бирга, 2020 йилдан бошлаб консолидациялашган бюджет таркибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумлари **1 трлн. 975 млрд. сўм**, харажатлари эса **3 трлн. 831 млрд. сўмни** ташкил этди. Шундан **1 трлн. 14 млрд. сўм** Сардоба сув омбори талофатларини бартараф этиш учун Давлат бюджетига ўтказилди.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Олиб борилаётган ислохотларимизнинг ижобий натижалари билан бир қаторда бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳам йўқ эмас.

Давлат молиявий назорати департаменти томонидан 2020 йилнинг 1 - ярим йиллигида назорат тадбирлари ўтказилган 2 010 та бюджет ташкилотларининг 1 632 тасида **82 млрд. сўм** миқдорида молиявий хатоликлар, жумладан, 18 млрд. сўм миқдорида пул маблағлари ва моддий бойликларни камомати ва ўзлаштиришлар ҳамда 64 млрд. сўм миқдорида ноқонуний харажатлар аниқланди.

Шунингдек, Инкирозга қарши курашиш жамғармасидан тиббиёт муассасаларига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан ҳам назорат тадбирлари амалга ошириб борилмоқда.

2020 йилнинг ўтган даврида ўтказилган назорат тадбирларида коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирларига жалб этилган тиббиёт муассасаларига ажратилган маблағларни сарфланишида **56 млрд. сўмлик** хато ва камчиликлар аниқланди.

Бунда, 2 359 та ҳолатда **23 млрд. сўмлик** хато ва камчиликлар қиммат нархларда, нормадан ортиқча ва зарур бўлмаган маҳсулотлар харид қилиш, рағбатлантириш пулларини нотўғри ва ортиқча ҳисоблаш ҳолатларига тўғри келса;

2 694 та ҳолатда қарийб **33 млрд.** сўм хар хил сабабларга кўра молиялаштирилиши ва тўланиши кечиктирилган рағбат пулларини тўлаб берилиши билан боғлиқ ҳолатлардан иборат бўлди.

Текширишлар натижасига кўра тўланмай қолган ёки тўловлари кечиктирилган ушбу махсус рағбатлантириш пуллари тўлаб берилиши таъминланди.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари !

Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳисобот даврида Давлат бюджетининг даромадлари 58 трлн. 157 млрд сўмни , харажатлари эса 64 трлн. 879 млрд. сўмни ташкил этди ёки давлат бюджети 6 трлн. 722 млрд сўм ёки ЯИМ га нисбатан 2,6 фоиз миқдорида тақчиллик билан ижро этилди.

Давлат бюджети тақчиллигининг:

3 трлн 423 млрд сўми – Давлат ғазначилик облигацияларини муомилага чиқариш натижасида келиб тушган;

3 трлн 299 млрд сўми - Халқаро молия институтларидан бюджетни қўллаб қувватлаш учун жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қопланди.

Консолидациялашган бюджет даромадлари 71 трлн. 702 млрд сўмни, харажатлари эса 80 трлн. 594 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда 8 трлн. 892 млрд сўм ёки ЯИМга нисбатан 3,9 фоиз миқдорида тақчиллик билан ижро этилди.

Эътиборингизга ҳавола этилган маъруза ва тарқатилган маълумотлар Сизларга Давлат бюджетининг 2020 йил 1 - ярим йиллик ижроси юзасидан тўлиқ маълумот берди деб ўйлаймиз.

Сизлардан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йил 1 - ярим йиллик ҳисоботини тасдиқлаб беришингизни сўраймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат !